



1918-yil
21-iyundan chiqqan
boshlagan

№40, 2021-yil 6-oktyabr,
chorshanba (32.682)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Barchaga g'amxo'rlik — davlatning burchi

O'zbekiston OVOZI



НОМЗОД БИЛАН УЧРАШУВЛАР ҚИЗГИН ДАВОМ ЭТМОҚДА

2



МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

29 СЕНТЯБРЬ

Марказий сайлов комиссияси таклифига биноан, Мустанкил Давлатлар Ҳамдўстлигининг (МДҲ) Ижроия қўмитаси раиси биринчи ўринбосари Леонид Анфимов бошчилигида МДҲ сайловларни кузатиш миссиясининг узок мuddатли кузатувчилари мамлакатимизга етиб келишди.

Марказий сайлов комиссиясида кузатувчилар миссияси аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди. Мамлакатимизда МДҲ сайловларни кузатиш миссияси ўз фаолиятини бошлади.

Халқаро кузатувчилар Наманган округ сайлов комиссияси фаолияти билан танишди.

30 СЕНТЯБРЬ

МСКнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Марказий сайлов комиссиясининг котиби Худойёр Маматов, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиғи ўринбосари Ботир Қурбонов, Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари Баҳром Қўчқоров ва бошқалар сайловга оид масалалар бўйича маъруза қилишди.

Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Мажлисни комиссия раиси З.Низамходжаев олиб борди.

Мажлисда Ногиронлиги бўлган шахсларнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар, Президент сайловини ўтказишда коронавирус инфекцияси (COVID-19) тарқалишининг олдини олиш бўйича йўриқнома талабларининг ижроси бўйича Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиғининг ахбороти, сайловда халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлардан қатнашадиган кузатувчиларни аккредитация қилиш, оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитациядан ўтказиш, сайлов ўтказувчи 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси таркибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

Шунингдек, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан айрим округ сайлов комиссиялари раисларининг ахборотлари тингланди.

1 ОКТАБРЬ

Ўзбекистон делегацияси Грузияда бўлиб ўтаётган сайловларда иштирок этди.

Грузия Марказий сайлов комиссияси таклифига биноан Марказий сайлов комиссияси котиби, котибият раҳбари Х.Маматов, шунингдек МСК Сайлов қонунчилиги ва замонавий технологиялар бўйича ўқув маркази директори ўринбосари К.Арсланова ЕХҲТ ДИИХБ кузатув миссияси таркибига сайловларни мониторинг қилди.

5 ОКТАБРЬ

МСК Матбуот марказида пресс-брифинг бўлиб ўтди. Мажлисни комиссия раиси З.Низамходжаев олиб борди.

Унда сайлов участкаларида сайловчиларнинг мuddатидан олдин овоз беришини ташкил этиш, Президент сайловида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан қатнашадиган кузатувчиларни аккредитация қилиш ҳамда оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитациядан ўтказиш масалалари ҳақида фикр алмашилди, маълумот берилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан айрим округ сайлов комиссиялари раисларининг ахборотлари тингланди.

МУДДАТИДАН ОЛДИН ОВОЗ БЕРИШ



2021 йил 14-20 октябрь кунлари сайловда мuddатидан олдин овоз бериш ўтказилади.



Сайлов кuni ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи мuddатидан олдин овоз бериш ҳуқуқига эга.




Мuddатидан олдин овоз бериш учун сайловчи сабабини кўрсатган ҳолда тегишли сайлов участкасига ариза билан мурожаат қилади.



Тўлдирилган сайлов бюллетени ёпиқ конвертда, тегишли УСКнинг сейфида сақланади.

Бошланади



Тугайди



Мuddатидан олдин овоз бериш - фуқаролар сайлов ҳуқуқини таъминлашнинг муҳим воситаси. Сайлов кодексига асосан мuddатидан олдин овоз бериш сайловга 10 кун қолганда бошланади ва 3 кун қолганда тугатилади.

Сайлов кuni ўз яшаш жойида бўлмайдиган сайловчи мuddатидан олдин овоз бериши мумкин.

Марказий сайлов комиссияси Раиси
Зайниддин Низамходжаев.

Номзоднинг дастурида ижтимоий
ҳимояни кучайтиришга алоҳида эътибор
қаратилганини кўпчилик қўллаб-қувватлади.



САЙЛОВОЛДИ УЧРАШУВЛАРИ ҚИЗГИН ДАВОМ ЭТМОҚДА

Айни пайтда сиёсий партиялардан кўрсатилган номзодлар, уларнинг ишончли вакиллари жойларда сайловолди тарғибот-ташвиқот учрашувларини ўтказмоқда. Халқ демократик партиясидан кўрсатилган номзод Мақсуда Ворисова ўтган бир ҳафта давомида Бухоро, Навоий ҳамда Наманган вилояти сайловчилари билан мулоқот қилди.

БУХОРО ВИЛОЯТИ

Мақсуда Ворисованинг бухоролик сайловчилар билан ўтказилган учрашувида турмуш фаровонлигини ошириш, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга қаратилган таклифлар кўпчиликда катта қизиқиш уйғотганига гувоҳ бўлдик.

Учрашувни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси Улугбек Иноятов олиб борди. Номзодимиз дастури партиямиз дастурига ҳамоҳанглиги, унда электротар манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган ҳаётий таклифлар илгари сурилганини қайд этди.

Президентликка номзод Мақсуда Ворисова ўз дастури юзасидан нутқ сўзлади.

Номзод дастлаб кўҳна ва боқий Бухоронинг бой ва қадимий тарихи, дунё цивилизациясида тутган ўрни, бугунги тараққиёти ҳақида тўхталиб, бу қадим замин ўзбек давлатчилигининг шаклланишига муносиб ҳисса қўшганини эътироф этди. Бугун вилоятда эришилаётган ютуқларда вилоят аҳолининг меҳнатсеварлиги ва шижоаткорлиги

муҳим аҳамиятга эга бўлаётганини алоҳида таъкидлади.

Шундан сўнг Сайловолди дастуридаги устувор йўналишлар хусусида гапириб ўтди.

– Дастурда мамлакатда ижтимоий тенгсизликнинг барча кўринишларига барҳам бериш мақсадида, аҳоли барча қатламларининг давлат ва жамият ҳаёти, суд-ҳуқуқ тизимида тенглик асосида иштирок этишини таъминлаш, пенсия ва ижтимоий нафақа олувчиларнинг ҳаётий эҳтиёжларини тўлақонли қондиришни кафолатлайдиган пенсия ва ижтимоий таъминотнинг мақбул тизимини шакллантириш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари устувор мақсадлар сифатида белгиланган, – деди Мақсуда Ворисова.

Президентликка номзод Бухоро вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари борасида бир қатор йўналишлар кўзда тутилаётганини маълум қилди. Жумладан, аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни доимий иш билан таъминлаш, ногиронлиги бўлган ва имконияти чекланган

шахслар учун барқарор иш ўринлари яратиш, инфратузилмани яхшилаш, ичимлик суви, электр, табиий газ таъминоти билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш зарурлигига эътибор қаратди.

Эркин Холов, пенсионер:

– Учрашувда Мақсуда Ворисованинг нутқини диққат билан тингладим. Бир нарсга амин бўлдимки, номзоднинг дастури мазмун-моҳиятига кўра, халқ фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилади ва унда ўзига хос, қатъий ёндашув бор. Масалан, дастурда пенсия ва ижтимоий нафақа олувчиларнинг ҳаётий эҳтиёжларини тўлақонли қондиришни кафолатлайдиган пенсия ва ижтимоий таъминотнинг мақбул тизимини шакллантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Тўғриси, дастур ана шу жиҳатлари билан менга маъқул бўлди.

Худди шундай учрашув Республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиалида илмий изланишлар олиб бораётган бир гуруҳ ёш магистрлар билан ҳам ўтказилди.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

Номзоднинг Навоий вилоятидаги сайловчилар билан учрашуви ҳам фикр-мулоҳазаларга бой тарзда ўтди.

Президентликка номзод ижтимоий ҳимоя борасида пенсионерлар, ёлғиз кексалар, ота-она қарамоғисиз қолган болалар ҳамда ўзгалар парварishiга муҳтож ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаётий эҳтиёжларига эътиборни кучайтириш лозимлигига урғу берди. Ўзининг қатъий позицияси – давлатдан нафақа олувчилар ва пенсионерларга тўланадиган маблағлар уларнинг ҳаётий эҳтиёжларини тўлиқ қоплаши, ногиронлиги бўлган шахсларнинг талаб ва эҳтиёжлари, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, улар учун тенг шароитлар яратиш эканлигини таъкидлади.

– Бугунги кунда Навоий вилоятида давлатдан нафақа олувчилар ва пенсионерлар 131 минг 102 нафарни ташкил этади, – деди М.Ворисова. – Пенсия миқдорини тайинлаш тартиби, уни ҳисоб-китоб қилиш учун иш ҳақининг максимал чегараси, яъни пенсияни ҳисоблаш базавий миқдори чегарасини ошириш масалаларини бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, қайта кўриш лозим, деб ҳисоблайман.

Мамлакатимизда босқичма-босқич жамғариб бориладиган механизмларни жорий этиш, имтиёзлар, қўшимчалар ва устамалар бериш амалиётидан воз кечиш керак. Ижтимоий ҳимоя қилиш тизими барча муҳтож фуқароларни тўлиқ қамраб олиши зарур. Яна бир муҳим масала — ногиронлиги бўлган шахсларнинг талаб ва эҳтиёжлари, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш мақсадида миллий қонунчилигимизни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ноғиронлар ҳуқуқлари бўйича конвенциянинг тамойиллари ва меъёрларига мувофиқлаштириш, "Тўсиқсиз ҳаёт" давлат дастурини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, "Ноғирон шахслар бандлигига кўмаклашиш" Давлат дастурини қабул қилиш ва "Ноғиронларнинг таълим олиш кафолатлари тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш керак, деди номзод.

Навоий вилоятида 30 минг 250 нафардан ортиқ ногиронлиги бўлган шахс истиқомат қилади. Бу борадаги тизимни тубдан яхшилаш зарур. Бунинг учун ногиронлиги бўлган шахсларнинг талаб ва эҳтиёжлари, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш мақсадида миллий қонунчилигимизни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ноғиронлар ҳуқуқлари бўйича конвенциянинг тамойиллари ва меъёрларига мувофиқлаштириш, "Тўсиқсиз ҳаёт" давлат дастурини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, "Ноғирон шахслар бандлигига кўмаклашиш" Давлат дастурини қабул қилиш ва "Ноғиронларнинг таълим олиш кафолатлари тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш керак, деди номзод.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Президентликка номзод Мақсуда Ворисованинг Наманган вилоятидаги учрашув ва мулоқотлари ҳам кўтаринки руҳда бўлиб ўтди.

Бу ерда Мақсуда Ворисова Наманган тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли туғуруқхона мажмуида бўлди. Номзод дастлаб мажмуанинг умумий ҳолати, мавжуд шароитлар билан танишди. Туғуруқ мажмуасидаги мавжуд муаммолар ҳақида шифокорлар билан суҳбатлашди. Мулоқот давомида муассаса ходимлари томонидан айрим муаммоли ҳолатлар ўртага ташланди.

Номзод уларни ўзининг Сайловолди дастури билан таништирди. Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга ҳалақит бераётган тўсиқларни бартараф этиш чоралари кўрилиши ҳақида гапирди. Фуқароларнинг саломатлиги партия учун асосий устувор вазифалардан бири эканлигини таъкидлади.

Наманганлик сайловчилар билан ўтказилган мулоқотлар давомида Президентликка номзод Сайловолди дастуридаги ёлланма ишчилар, мардикорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, оғир ижтимоий аҳволдаги оилалар, жумладан, ногиронлиги бўлган шахслар, ногирон фарзандларни тарбиялаётган ота-оналар учун ижтимоий

турар жойлар барпо этиш, салоҳиятли ёшларга давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида ишлашни рағбатлантириш, олис, чекка ва тоғли ҳудудларда кадрларга бўлган эҳтиёжни таъминлаш масалалари юзасидан сайловчиларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

Очик, ошқора ва самимий мулоқот руҳида ўтган учрашувда сайловчилар ўзларини қизиқтирган саволлар билан Президентликка номзодга мурожаат қилишди, вилоятни янада ривожлантириш борасида таклифларини билдиришди.

Номзоднинг дастурида ижтимоий ҳимояни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилганини кўпчилик қўллаб-қувватлади. Бу борадаги таклифлар энг долзарб ҳаётий вазифалар бўлиб, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш, даромадларини кўпайтириш масалаларини ўз ичига олган, дейишди сўзга чиққанлар.

Учрашувларда сўзга чиққан фаоллар Ўзбекистон Президентлигига номзод Мақсуда Ворисованинг Сайловолди дастурини қўллаб-қувватлашларини, сайловда ушбу номзодга овоз беришларини маълум қилишди.

Лазиза ШЕРОВА,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.



ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН

TANLIL

6-oktyabr, chorshanba, 2021-yil.
№40 (32682)

САЙЛОВ КУНИ
ЯҚИНЛАШГАН САРИ
ЖАРАЁН НИХОЯТДА
АВЖ ПАЛЛАСИГА
ЕТМОҚДА.
ПАРТИЯЛАРДАН
КЎРСАТИЛГАН
НОМЗОДЛАР ВА
УЛАРНИНГ ИШОНЧЛИ
ВАКИЛЛАРИ
ХУДУДЛАРДА
АХОЛИ БИЛАН
МУЛОҚОТ ҚИЛИБ,
ТАРҒИБОТ-ТАШВИҚОТ
ИШЛАРИНИ ТОБОРА
КУЧАЙТИРИШМОҚДА.

Умуман олганда, сайловолди жараёнида бир жиҳат яққол кўзга ташланмоқда – халқимизнинг сиёсий фаоллиги, маданияти анча юксалган. Қолаверса, номзодларнинг ҳар бир қадами кенг жамоатчилик, ОАВ нигоҳида бўлиб тургани учун бу йилги сайлов, айтиш мумкин, фуқароларимизда сайлов қонунчилиги борасидаги билимларини ҳам юксалтирди. Лўндасини айтганда, дунёда аллақанча давлатлар бор – сайловни ташкил этиш, ўтказишда иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан тайёр эмас. Яқиндагина мустақиллигининг 30 йиллигини нишонлаган Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд сайлов тизими, сайлов қонунчилиги, нима десангиз ҳам айтиш, бир фуқаро сифатида мени ғурурлантирди. Мана шу туйғу, ўз давлати билан ифтихор этиш туйғуси, аминманки, бугун миллионлаб юртдошларимизнинг қалбида ҳам барқ уриб турибди.

**САЙЛОВОЛДИ ШТАБИДА
КЎТАРИНКИ КАЙФИЯТ**
Айни пайтда ХДП партияси Марказий Кенгаши ва жойлардаги тузилмаларида иш қизгин. Номзод-

нинг сай-
ловолди
дастури-
ни кенг тарғиб
этиш, бунда қонун-
чиликка тўла-тўқис
амал қилиш, ижтимоий
муҳитда етилиб келаётган
кайфиятни ҳис қилиб сўз айтиш
масаланинг бир қисми бўлса, элек-
торат билан юзма-юз мулоқотлар,
ғалвир сўвдан кўтариладиган пал-
лада айтилиши лозим бўлган муло-
хазалар алоҳида йўналиш.

Одамлар номзоднинг дастури билан танишар экан, унинг ишончли вакиллари гап-сўз билан саволлар бераётти, аниқ масалалар қўймоқда, айрим ўринларда, танқидий фикрлар билдириб, сиёсий куч сифатида ўтган беш йилликда йўл қўйган камчиликларимизни ҳам айтаяпти. Демократизм, одамлар ўзгарган, бугунги сайловчи – ўз ҳуқуқини биладиган, фикрини бе-
малол айти оладиган инсон. Бу эса сайлов штабидан янада тезкорлик, аниқлик, ҳар бир чиқишларга ўзига хос ёндашувларни тақозо этмоқда.

Шунингдек, жорий сайловларда учрашув ва мулоқотлар тўғрисида ўзгариш ва жонли мулоқот тарзида "Лайф" (Live) ёритиб борилмоқда. Воқеликдан реал вақт оқимида бохабар бўлиб бориш, мавжуд ахборотни тўплаш, таҳлил қилиш ва қайта ишлаш учун жуда кам вақт қолдиради, медиа штабга қўшимча масъулият юклайди.

Умуман олганда, ХДП сайлов штабида ҳамманинг кайфияти кўтаринки, катта иштиёқ билан, режа бўйича жараёнга тайёргарлик кўрилмоқда. Зотан, юрт ривожини учун ўз хиссасини қўшиш иштиёқидида сафдошлар, партиядошлар билан соғлом рақобат муҳитида ишлаш, жамиятга юзланиш ўзига хос завқли, ноёб воқелик.

ҲОЯЛАР КУРАШИ
Сайлов арафасида партияларнинг мафкура бўлимида иш қизгин бўлади. Боиси сайлов моҳиятан идеологик кураш, мафкуралар беллашуви ҳамдир.

Номзоднинг сайловолди дастури концептуал жиҳатдан ХДПнинг доимий ва қатъий позицияси бўлган ғоялардан озикланиб, уларга асосланган ҳолда тузилган.

Аммо мафкура жабҳасида янги сўз айтиш, айтганда ҳам ҳаммага маъқул қилиб, сайловчининг қалбида турган фикрларни топиб-билиб айтиш – катта маҳорат.

Шу маънода ХДП номзоди томонидан дастур мазмун-моҳиятида, энг биринчи навбатда, аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож, ҳусусан, камбағал қатламга асосий эътибор берилгани, нафақат ҳуқуқлар, балки уларни амалга ошириш-

йўқ,
менинг-
ча, масала-
ни бундай ту-
шуниш анча жўн
ёндашув. Маълумки,
қайси давлатда аҳоли
манфаатлари ҳисобга олин-
ган ҳолда сиёсат олиб борилса,
ўша мамлакатда осудалик, фаро-
вонлик ҳукм суради. Бундай мамла-
катда аҳоли фаровон турмуш кечи-
риши учун барча шарт-шароитлар
яратилади, адолат қарор топади. Ижтимоий масалалар, жумладан,
ичимлик ва оқова сув, ички йўллар,
бошқа инфратузилма объектларининг
қурилиши, бандлик дастурини
тасдиқлашни туман ва шаҳар кен-
гашлари ваколатига ўтказиш маса-
ласи ҳам муҳим ҳисобланади.

Ҳа, хусусий мулк бор жойда бу борадаги барча фаолият, ҳаттоки
ғоянинг ўзи ҳам ушшаси ваъдалар
бўлиб туюлиши мумкин. Қолаверса,
бу ғояларни амалга ошириш учун
жуда катта маблағ, моддий ресурс,
энг асосийси, аҳолининг шунга
мос дунёқараши, турмуш даражаси
етарли даражада бўлиши муҳим.

Бошқа томондан олганда, бундай
ёндашув билан ижтимоий сиёсат
юртиш жамиятда ўзаро келишмов-
чиликни юзага келтириши, натижа-
да, кўп ўтмай, танг ҳолат юзага ке-
лиш эҳтимоли ҳам бор. Факт шунки,
бу соҳада биз ривожланишнинг
дастлабки босқичида турибмиз.

СИЁСИЙ МУҲОКАМАЛАРГА НАЗАР

Мақсуда Ворисова томонидан илгари сурилган дастурда сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари, кундалик эҳтиёждаги товар ва хизматларнинг ижтимоий мақбуллигини таъминлаш, бошқача айтганда, нархларни назорат қилиш таклифи бўйича кўп муҳокамалар бўлди.

Экспертлар ва ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари фикрларини умумлаштириб айтганда, ижтимоий аҳамиятга молик товарлар ва хизматлар нархи ҳамда тарифларини шакллантириш устидан жамоатчилик назоратини қатъий ўрнатиш – яхши. Чунки, бу икки томоннинг масъулиятини оширади ва соҳада амалга оширилаётган дастурларнинг самарадорлигини таъминлайди. Таклиф этилаётган механизмлар давлатнинг бу соҳадаги ижтимоий сиёсатини кучайтириш ва кенгайтиришга хизмат қилади.

Давлат томонидан улғуржи ва чакана савдо нархлари ўртасидаги қатъий меъёрни ўрнатиш чораси бозорда нопок тадбиркорларнинг аҳоли учун энг зарур бўлган ижтимоий маҳсулотлар нархига спекулятив таъсир ўтказишига йўл қўйилмаслиги нукта-назаридан мақсадга мувофиқ.

Номзод бўлиб ўтаётган мулоқот ва учрашувларда дастуридаги таклиф ва ташаббусларни партия ғоялари, электорат манфаатларидан келиб чиқиб асослаб бермоқда.

Бу гапларни айтишдан мурод шунки, **халқ демократияси** дегани мана шу! Ҳеч бир қараш ёки дастур ўзгармас, мукаммал эмас, қолаверса, **Мақсуда Ворисова ўз дастурига доғматик ёндашмаяпти**. Мана бу жиҳат ҳам жорий сайловлардаги яна бир ўзига хослик, очиклик, шаффофлик маҳсули дейиш мумкин.

КУЧЛИ ИЖТимоий СИЁСАТ: УМУМИЙ МАҚСАД ВА АЛОҲИДА ЁНДАШУВЛАР МОҲИЯТИ

Халқ демократик партиясидан номзод ўз дастурини илгари сураётган экан, кучли ижтимоий сиёсат ғоясини давлатнинг фуқаролар олдига бурчли экани нуктаи назардан ривожлантирди. Яъни, бу давлат ҳамма нарсани муҳтожларга муҳайё қилишини кўзлаб илгари сурилган ғоя эмас, балки ижтимоий мулклий ҳолатидан қатъи назар, ҳар бир фуқаро устувор ҳуқуқлари амалга оширишда бир хил имкониятга эга бўлиши билан боғлиқ принципал масаладир.

Ўтган беш йилликка қаралса, мазкур сиёсий масала билан ҳамроҳанг 10 дан зиёд қонун ва қонунности ҳужжатлари қабул қилинганини кўришимиз мумкин. Демак, **фарқлар ижро механизмлари ва ёндашувларда бўлиши мумкин**, аммо кучли ижтимоий сиёсат юртиш ғояси, орзуси – ҳаммаша давлатга вобаста, унинг моҳиятига битилган ўлмас ғоядир.

Ҳўш, биз нимани таклиф этаё-
миз? Айримлар ўйлаганидек, бу
ғоя ХДП номзоди талқинида давлат
томонидан аҳолига бепул ижтимоий
хизматлар кўрсатиш, яъни, эски
коммунистик тамойилларга қайтиш
бўлиб жаранглаётими?

ИЖТимоий Йўналтирилган Иқтисодий СИЁСАТ НИМА ЎЗИ?

Сайловолди жараёнларда ХДП номзоди томонидан илгари сурилган ижтимоий йўналтирилган ижтимоий сиёсат мавзуси кенг муҳока-
маларга сабаб бўлди.

Аввало, иқтисодий сиёсатнинг ижтимоий жиҳатдан самара бериши бора-
сида унинг устувор йўналишларини
белгилаш – жасорат. Мазкур вази-
фанинг бажарилиши аҳолининг турли
қатламлари ўртасидаги ижтимоий ва
иқтисодий фарқни қисқаришига олиб
келади. Бу жараёнда давлатнинг тар-
тибга солиш борасидаги иштирокини
кучайтириш жуда муҳимдир. Айниқса,
умумдавлат аҳамиятига молик иқти-
содий тармоқларини мустақамлаш
мамлакат қудратини оширади ва
ижтимоий сиёсат олиб боришнинг
иқтисодий механизмларини тартибга
солади. Бу эса, ўз навбатида, кам
даромадли аҳоли қатламлари миқ-
дорини икки баравар қисқартиришга
эришишга, умуман олганда, жамият-
нинг барча соҳаларида муҳим ўзга-
ришларга олиб келади.

Яна тақрирлаймиз. Гап бу ерда
ками борларга ҳар доим бериб ту-
риш ҳақида эмас, балки ҳуқуқлари-
ни амалга оширишни кафолатлаш,
ҳаммага имконият бериш масаласи
ҳақида кетмоқда. **Халқ демократик
партияси хусусий мулкка, бойлар
кўпайишига ҳеч қачон қарши
бўлмаган, номзод бундай фикр
дастурига киритиш ў ёқда турсин,
хаёлига ҳам келтирмаган.**

Бозор иқтисодиётига ўтиш-
нинг муҳим белгиларидан бири
– аҳолининг табиқалашуви, яъни
мулкдорлар синфини шаклланиши
ҳисобланади. Агар бу жараён се-
кинлашса ёки қандайдир объектив,
субъектив сабабларга кўра, амалга
ошмаса, қутилган натижага эришиб
бўлмайди. Шу билан бирга, мулклий
ҳолатидан қатъи назар ҳеч бир фу-
қаронинг **фундаментал ҳуқуқла-
ри** чекланмаслиги муҳим.

Ҳа, кўраямизки, бахсларда Ге-
гелона зиддият вужудга келаяпти.
Биз уларнинг ҳеч бирига қарши
эмасмиз. Бинобарин, мана шу қат-
лам, яъни, ўз фикрини асослаш
учун жон куйдириб фикр ёзаётган,
фикрини ҳимоя қилаётган инсонлар
– ишчилар, шифокорлар, тадбир-
корлар, ўқитувчилар, зиёлиларга
давлатимиз истиқболи учун жон
куйдириб, сиёсий фаоллик кўрса-
таётганлари учун ташаккур айта-
миз. Зотан, ҳақиқат бахсларда туғилади.

САЙЛОВДА МУҚОБИЛЛИК БОРМИ?

Жараён қизиб борар экан, шу
мавзу атрофида кўплаб фикр-му-
лоҳазалар айтилди. Хусусан, сай-
ловларда ростмана кураш, рақобат
муҳити борми деган, истехзоли

гаплар ҳам эшитилиб турибди. Бу
ҳақда ҳуқуқшунос-эксперт Одил
Мусаев шундай дейди:

– Муқобиллик, деганда бир
масалани ҳал этишда ёки бирон –
бир мақсадга эришишга турлича
ёндашувчи ва сайловларда ўз қа-
рашларини илгари суришига қараб
фарқланувчи сиёсий партиялар
ўртасидаги соғлом рақобатни ту-
шуниш лозим.

Ўзбекистонда сиёсий партия-
лардан кўрсатилган номзодларнинг
бари ғалаба учун курашга кириш-
ганини эълон қилди. Шунинг ўзи
Ўзбекистондаги сайловларда турли
фикрлилик, турли қарашлар асо-
сида партияларнинг ёндашувини
кўради. Бу ўз навбатида партия-
ларнинг бир-бировига нисбатан
муқобил ҳаракати борлигини кўр-
сатади.

Умуман, сайловолди ташвиқотга
старт берилгач, барча номзодлар
ва уларнинг ишончли вакиллари
электорат билан юзма-юз муло-
қот қилиб, ўз дастуриларининг ҳар
бир банди бўйича тўхталиб, фикр
айтишмоқда. Жараён оммавий
ахборот воситаларида, ижтимоий
тармоқларда кенг муҳокама қилин-
моқда.

Яна бир очик-ойдин ҳақиқат
шунки, биз оғир-босик, мулоҳазали
халқимиз. Сайловолди фаоллик
деганда, бақир-чақирларни,
можароли чиқишларни, ҳаша-
ки танқидларни тушунмаслик
керак. Бордию, шундай қилиш
номзоднинг ғалабаси учун манфаат-
ли, фойдали, сайловчининг жалб
этишда аҳамиятли бўлганида
эди, аллақачон бу йўлга ўтилар
эди. Ҳали ундай бўлмади, чунки,
номзодлар ўз халқини, унинг феъл-
атворини, маданиятини яхши ҳис
қилишди, шунга мос тарғибот кам-
панияси амалга оширилади.

Номзодлар наинки ўз дасту-
лари, бошқа рақобатчиларини ҳам
айрим мунозарали фикрларига
тўхталиб ўтишмоқда, рақобат му-
хити, ҳудудларга, номзодларнинг
ишончли вакиллари ўртасига
ҳам қўчган, мамлакат беш йил-
лигининг энг муҳим воқеаси,
яъни сайлов руҳи билан яша-
моқда – муқобиллик, рақобат
муҳити шу бўлмаса, унда нима?

АХБОРОТ, АХБОРОТ, АХБОРОТ

Одамларнинг конституциявий
ҳуқуқларидан энг муҳими сайлов
жараёнида иштирок этиш ҳис-
обланади. Бугун, айни шу дақиқа-
ларда бу мавзу ҳар қачонгидан ҳам
муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин,
Президентлик сайловида санокли
қуналар қолди.

Шу кунларда таниқли олимлар,
ҳуқуқшунос-экспертлар айтиётган-
дек, жараёнда фуқаролар фаол-
лигини оширишдаги муҳим **гене-
ратор – ошкоралик ва очиклик
ҳисобланади.**

Хўш, ушбу мезонга амал қи-
линаётими? Бошқача айтганда,
сайловолди тарғибот кампаниясида
медиа имкониятларидан тўлиқ фой-
даланилаётими?

Шу кунга қадар (04.10.2021) акк-
редитациядан ўтказилган Ўзбекистон
Республикаси Президентини сайловда
хорижий давлатлар ва халқаро таш-
килотлардан қатнашадиган қуза-
тувчилар умумий сони **159 нафарни**
ташкил этмоқда. Марказий сайлов
комиссияси халқаро қуза-
тувчиларга сайловга тайёргарлик кўриш ва уни
ўтказиш даврида ўз фаолиятларини
амалга оширишлари учун мандатлар-
ни қонунда белгиланган муддатда
тақдим этмоқда.

Аккредитациядан ўтказилган ма-
ҳаллий ОАВ вакиллари жами **1253
нафар**, хорижий оммавий ахборот
воситалари вакиллари эса **48 на-
фарни** ташкил этмоқда.

Барча оммавий ахборот воси-
талари сайлов муносабати билан
махсус кўрсатув ва мулоқотларни
йўлга қўйди.

МАХСУС БОТ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.
Унга кўра, сайловчи ўзи турган
ҳудуд қайси сайлов участкасига
тегишли эканлиги ҳамда сай-
лов участкасининг манзили ва
жойлашган геолокацияси ҳақида
маълумотларни олиши мумкин
(@saylov_xarita_bot).

Умуман, Президент сайлови
кампанияси сиёсий партиялар, ном-
зодлар, ишончли вакиллар, фаол
фуқаролар ва оммавий ахборот
воситалари, энг асосийси, сайлов-
чилар учун кўтаринки кайфиятда
давом этапти. Халқимиз келгуси
беш йиллик истиқболи учун овоз
беришга ҳозирланмоқда. Халқ де-
мократик партияси кўпни кўрган,
ҳуқуқ ва имкониятлар ҳақида кўп-
роқ гапирётган партия.

Бизнинг номзодга овоз беринг!

Саид БОБОЕВ.

Ижтимоий ҳимоя қилиш тизими барча
эҳтиёжманд фуқароларни тўлиқ қамраб олиши
зарур.

ИШОНЧЛИ ВАКИЛЛАР ТАРҒИБОТ ТАДБИРЛАРИДА ФАОЛЛИК КЎРСАТМОҚДА

ШУ КУНЛАРДА МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БАРЧА ХУДУДЛАРИДА
ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧЛАРИДАН БИРИ
– САЙЛОВЛДИ ТАШВИҚОТИ ҚИЗҒИН ДАВОМ ЭТМОҚДА.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОДЛАР
ВА УЛАРНИНГ ИШОНЧЛИ ВАКИЛЛАРИ САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН
ҲАР ТОМОНЛАМА САМАРАЛИ УЧРАШУВЛАР ЎТКАЗАЯПТИ.

Тошкент вилоятининг Қибрай туманида Халқ демократик партиясидан Президентликка номзод Мақсуда Ворисовани қўллаб-қувватлашга қаратилган сайловолди тарғибот тадбирида номзоднинг вилоятдаги ишончли вакили Акмал Умаралиев сайловчилар билан учрашди.

Ишончли вакил йиғилганларни Халқ демократик партиясидан Президентликка номзоднинг таржимаи ҳоли, фаолияти ҳамда унинг Сайловолди дастуридан жой олган устувор вазифалар билан таништирди.

Шундан сўнг Мақсуда Ворисованинг Сайловолди дастурида илгари сурилган ғоялар, белгиланган мақсад ва вазифалар ҳақида сайловчиларга атрофлича маълумот берилди. – Номзодимиз дастурида аҳолини давлат ва жамият томонидан қўллаб-қувватлашга, эҳтиёжманд қатламлари манфаатлари ҳимоясига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, бу мақсадга эришишга имкон берувчи бир қатор ижтимоий-иқтисодий масалаларни амалга ошириш билан боғлиқ механизмлар, тақлифлар илгари сурилган, – дейди ишончли вакил. – Бу бежизга эмас, албатта. Чунки, одамларнинг турмуш тарзи, кайфияти, амалга оширилаётган ислохотларга муносабати қандай бўлиши, аввало, уларнинг қай даражада ижтимоий ҳимояланганлиги билан бевосита боғлиқ.

Номзодимиз фикрича, ижтимоий ҳимоя қилиш тизими барча эҳтиёжманд фуқароларни тўлиқ қамраб олиши зарур. Айни пайтда дастур билан яқиндан танишганлар дастурда кам таъминланган, лекин, боқимандалик кайфиятида юрган фуқароларни жамиятимизнинг фаол иштирокчисига айлантириш масалалари ўрин олганлиги бўйича илиқ фикрларини билдирапти.

Айталик, кимдодир ишлаб чиқаришнинг



қайсидир турига қизиқиш бор. Лекин у вақтинчалик ишсиз. Ўзи қизиққан ва қўлидан келадиган ишни бошлаши учун маблагга эҳтиёжи бор. Демак, уларни қўллаб-қувватлаб, керак бўлса, молиявий томондан ёрдам берилса, у қўрқмасдан ўз ишини бошлайди. Шу орқали жамиятда боқимандалик кайфияти бартараф этилади, қанчадан-қанча ишсиз фуқаролар жамиятнинг фаол аъзосига айланади.

Учрашувда ишончли вакил сайловчиларни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Мақсуда Ворисова номзодини қўллаб-қувватлашга чақирди. Сайловчиларни қизиқтирган барча саволларга жавоб берди.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Президентликка номзод Мақсуда Ворисованинг **Хоразм вилояти**даги ишончли вакили Раҳимберган Юсупов вилоятнинг қатор туманларида сайловчилар билан учрашувлар

ўтказмоқда.

Хусусан, Урганч давлат университетидан бўлиб ўтган учрашувда номзоднинг Сайловолди дастурида ижтимоий тенглик ва халқ демократияси мезонларига мос келадиган давлат ва жамият барпо этишни мақсад қилиб, қатор ташаббуслар илгари сурилаётгани қайд этилди. Ижтимоий соҳада амалга оширилаётган ишларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

Шунингдек, дастурдан ўрин олган пенсия ҳисоблаш тартибини такомиллаштириш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, огир ижтимоий аҳволдаги оилаларни ижтимоий турар жойлар билан таъминлаш каби долзарб масалалар билан таништирилди.

– Номзодимиз Сайловолди дастурида ногиронлиги бўлган болаларни қўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш, уларга маънавий-маърифий соҳада тенг имкониятларни таъминлаш масаласига алоҳида урғу берилган, – дейди

ишончли вакил. – Хусусан, махсус адабиётларни, жумладан, овоз жўрлигидаги брайль алифбоси асосида ҳам чоп этиш ва харид қилиш, инклюзив таълимни ривожлантириш, шу соҳада фаолият кўрсатаётган ўқитувчиларга имтиёзлар тақдим этиш тақлифи илгари сурилган. Бу ижтимоий адолат тамойилларини мустаҳкамлаш, ногиронлиги бор болаларнинг ўқиши, ҳаётга қараши ўзгариши, ишончи мустаҳкамланиши, шунингдек, жамиятда ўз ўрнини топиши учун муҳим аҳамиятга эга, деб ўйлайман.

Учрашувда сўзга чиққанлар номзоднинг Сайловолди дастуридаги йўналишларни қўллаб-қувватлашни билдиришди.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Мақсуда Ворисованинг ишончли вакили, ХДП **Самарқанд вилояти** кенгаши раиси Бадриддин Насриев Пастдарғом туман сайловчилари билан учрашув ўтказди.

Учрашувда тумандаги жамоат, таълим ва соғлиқни сақлаш тизими ходимлари, ёшлар етакчилари, ташкилот ҳамда муассаса раҳбарлари, ОАВ вакиллари қатнашди.

Тадбир иштирокчилари Президентликка номзод Мақсуда Ворисованинг таржимаи ҳоли ва Сайловолди дастури билан таништирилди. Дастурда белгилаб олинган устувор йўналишларнинг мамлакат тараққиёти, халқ тақдириди аҳамияти ҳақида тушунчалар берилди.

Шунингдек, аҳолининг даромадига қараб табақалаштирилган солиқ тизимини, жорий этиш, асосий озиқ-овқатлар нархларини шакллантириш устидан давлат ва жамоатчилик назоратини қатъий ўрнатиш, қишлоқ жойларга саноатни олиб кириш Сайловолди дастурдаги асосий йўналишлардан эканлиги таъкидланди.

Номзоднинг ишончли вакили учрашув иштирокчиларини жорий йилнинг 24 октябрь куни бўлиб ўтадиган сайловда фаол иштирок этиб, Мақсуда Ворисова учун овоз беришга чақирди.

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози” мухбири.

ҲУҚУҚ ВА БУРЧ

ҲАМ ЗҶҮРЛИК, ҲАМ ПЕШГИРЛИК...

ЗҶҲҮРЛИК БУ...

Кимгадир бир ёки бир неча шахс томонидан қасддан жисмоний, руҳий, жинсий ёки иқтисодий таъсир ўтказиш зўравонлик ҳисобланади. Ана шундай ҳаракат учун жазо ҳам мўҳаррар. Бировга куч ишлатган ҳар қандай муштумзўр ҳам бундан ўз исмидек ҳабардор. Ваҳоланки, нафақат куч ишлатиш, балки ана шундай ишга қўл уриш билан таҳдид қилиш ҳам мумкин эмас. Инсоннинг ҳаёти, соғлиғи, жинсий дахлсизлиги, шаъни, қадр-қиммати ва қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига тажовуз қиладиган ғайриҳуқуқий ҳаракат, айрим ҳолларда ҳаракатсизлик қатъиян тақиқланади. Қайд этилганларнинг барчаси қоғозда ёзилган тартиб-қоидалар, жавобгарлик белгиланган ҳатти-ҳаракатлардир.

АЙБИ – АЖРАТИБ ҚҶЙГАНИ

Апрель ойида бўлиб ўтган воқеани ёдингизга солсак. 14 апрель куни Сурхондарё вилоятида депутатнинг таёқ билан калтаклангани тўғрисидаги видеоёзув ижтимоий тармоқларда тарқалган эди. Маълум бўлишича, жабрланган шахс халқ депутатлари Бойсун тумани Кенгаши депутати Ўктам Жабборов бўлиб, унинг ўз мулкида зўравонликка учрагани акс этган. Видеони кўриб, бир инсон бошқа бир одамни шафқатсизларча калтаклаши учун қанчалар юраксиз, даргазаб, ҳатто ваҳший бўлиши мумкин, деган саволларга жавоб қидириб қоласиз. Хўш, бундай ғайриминсоний ҳаракатга сабаб нима эди?

Суриштирув давомида маълум бўлишича, депутат Бойсун туманидаги “Инқобод” маҳалласи ҳудудидаги “Ўжа кўчқор ота” зиёратгоҳи яқинидаги яйловда икки кишининг жанжалини тўхтатиш мақсадида уларга ақинлашади. Шунда унинг боши ва танасинингдуч келган

жойига таёқ билан уришади. Бу ҳам етмагандек, копток тепиш учун мўлжалланган оёқлар депутатга кўтарилади.

Хуллас, халқ вакилларида калтак еган вакил шифокорларнинг хулосаларига кўра, ёпиқ мия жароҳати ва яна бошқа қатор ташхислар билан даволанади. Унинг танасидаги оғриқларни тасаввур қилиш қийин эмас. Шундай бўлса-да, уларга даво бор. Лекин онгида қолган мудҳиш воқеа йиллар давомида унга азоб бериши, балки умуман унутилмаслиги, қалб жароҳати сифатида ҳаётига таъсир ўтказиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Зеро, мутахассислар бу турдаги азиятлар хотирадан ўчмаслиги мумкинлигини таъкидлайди.

ХАВОТИРДА ЭДИК

Халқ демократик партияси ҳамisha халқ манфаатлари, уларнинг ўртасидаги ҳуқуқлар тенглиги учун қуради келган. Шунга қарамай, партиядан сайланган депутатга очикдан-очик зўравонлик кўрсатилди. ХДП ўз сайтида ҳолат юзасидан Бойсун туман ички ишлар бўлими томонидан жиноят иши очилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилаётганини таъкидлаганди. Суриштирув ишлари бошланган бўлса-да, ҳамон муайян бир хулосага келинмагани, тергов ҳаракатлари чўзиб юборилгани жабрланувчи, унинг яқинларининг норозилигига, партиядошларининг хавотирига сабаб бўлди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Бош прокуратура ва Ички ишлар вазирлигидан мазкур жиноят иши терговини назоратга олишни, айбдорларга нисбатан қонуний чора кўрилишини яна бир марта сўради.

Суриштирув ва тергов ҳаракатлари бир неча ой давом этди. Ўтган ҳар бир кун эса хавотирни янада оширди. Ва ниҳоят, ҳақиқат қарор топди. Адолат тикланди.



ҚОНУН УСТУВОР
Фирдавс Шарипов,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги партия фракцияси
аъзоси:

– Депутат Ўктам Жабборовга нисбатан ўрта оғир даражада тан жароҳати етказилиши ҳолати бўйича ХДП Марказий Кенгаши томонидан ҳуқуқ-тартибот идораларига, жумладан, Республика Бош прокуратураси ва ИИБга вазиятни назоратга олиш бўйича мурожаат йўлланган эди.

Маълум қилинишича, ҳолат бўйича биринчи маротаба 2021 йилнинг 13 августда жиноят ишлари бўйича Бандихон туман судида ҳукм ўқилган. Унда айбданувчи ака-ўка Мансуровларга ЖК 105-молдаси 2-қисми “в,г,и” бандлари билан 4 йил озодлиқни чеклаш жазоси тайинланган. 22 сентябрь куни бўлиб ўтган Сурхондарё вилоят суди жиноят ишлари

бўйича судлов хайъати апелляция инстанциясида эса улар ўз айбини тан олмайди. Бу ҳам етмагандек, чин кўнгилдан пушаймонлик билдирмайди. Аксинча, яна кўрқитиш ва таъкиб қилиш давом этади. Шу сабабли зўравонлардан бири 3 йил, иккинчиси 3 йилу 6 ойга озодлиқдан маҳрум этилган.

Шафқатсизларча, ғараз мақсадларни кўзлаб содир қилинган жиноятга яраша жазо бўлгани мақсадга мувофиқ. ХДП Марказий Кенгаши етказиш ва ҳаттоки ҳақоратли сўзлар билан сўқишга ҳам ҳеч кимнинг ҳақки йўқ. Халқимизда ана шундай ҳолатларга қарши иммунитет шаклланиши ва зўравонликларга барҳам бериш йўлида давом этамиз.

ХУЛОСА

“Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги қонунда ҳар бир жиҳат инобатга олинган. Хусусан, ҳар бир депутатга ўз ваколатларини монеликсиз ҳамда самарали амалга ошириши учун шарт-шароит кафолатланади. Унинг ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қиммати муҳофаза қилинади. Депутатнинг шаъни ва қадр-қиммати тажовуз қилган шахслар қонунга мувофиқ маъмурий, жинсий ёки ўзга тарзда жавобгар бўлиши белгиланган.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясида эса барча одамлар қонун олдида тенглиги ва ҳеч бир тафовутсиз қонун билан тенг ҳимоя қилиниши таъкидланади. Барча одамлар ушбу Декларацияга зид бўлган ҳар қандай камситишдан ва шундай камситишга ундайдиган ҳар қандай адолатсизликдан тенг ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эгадир.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
“Ўзбекистон овози” мухбири.

Калтакланаётган шифокорларнинг аксарияти ёшлар.

6-oktyabr, chorshanba, 2021-yil.
№40 (32682)

УЛАРГА ОСОН ТУТМАНГ



АССОСИЗ РАВИШДА УЛАРГА ЧАНГ СОЛИШ, ДЎППОСЛАШ, ШАЪНИНИ ЕРГА УРИШГА ҲЕЧ БИРИМИЗНИНГ ҲАҚИМИЗ ЙЎҚ.

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

"Соғлиқни сақлаш вазирлиги Жиззах вилоятининг Зомин туманида калтакланган тиббиёт ходими шифохонада даволанаётгани ҳақида хабар берди". "Наманганда 22 ёшли шахс поликлиникада бўлим мудирини калтаклаб, юз ва бурун қисмига жароҳат етказди". "Тошкентда тез тиббий ёрдам хизмати ходимлари тазйиққа учраб, жароҳатланди. Бу ҳақда ССВ Матбуот хизмати хабар берди". "Фарғонада тез ёрдам шифокори собиқ ички ишлар ходими томонидан калтакланди". "Фарғона вилояти, Ўзбекистон тумани, Яйпан шаҳридаги туғуруқхонада эркак киши шифокорнинг сочидан тортиб судради..."

Ижтимоий тармоқларда бу каби хабарлар бугун тез-тез учраб турибди. Кимдир ачиниш, кимдир ғазаб, яна кимдир норозилик билан ўқийдиган бундай маълумотларга баъзан изоҳ берилади, безорилик қилганлар жазоланади, айрим ҳолларда эса шунчаки ўз ҳолига ташлаб қўйилади.

Хўш, беморлар ақинларининг бу даражада ғазабланишига, қўл кўтариб дўппослашга мажбур қилаётган вазиятларга нима сабаб бўлади аслида?

ШИФОКОРЛАРНИНГ АЙБИ НИМА?

Кўпинча бу ҳолатларга тез ёрдам машиналарининг чақирув жойига вақтида етиб бормаслиги, оғир аҳволдаги беморга керакли ёрдам кўрсатолмаслиги сабаб бўлади. Хўш, булар уларга кўмакка шошилган шифокорлар саломатлигига зарар етказишга, уришга баҳона бўла оладими? Аслида онгли, вазиятни тўғри тушунадиган, босиқлик билан ёндашадиган одам бировга ғазаб билан қўл кўтаришдан тийилади. Нима бўлганда ҳам, шифокорлар беморларнинг ахволи яхшиланиши, уларнинг шифо топиши тарафдори эканини наотки англаш мушкул бўлса...

Эътибор берсак, калтакланаётган шифокорларнинг аксарияти ёшлар. Шунда беихтиёр "Ёшларнинг кучи япалоққа етибди", деган макол ёдимизга тушади. Ўпкасини босолмаган зўравонга бу жуда қўл келса керак. Биров айтмайдик, ҳой номард, бу сенинг яқинингга ёрдамга шошилди, чақирув қўплигию, тез ёрдам машиналарининг камлиги унинг айби эмас...

га сабаб бўлади.

Пойтахтимиз, шаҳар жойларда-ку, бу борада муаммо бўлмас, аммо кишлоқ жойлардаги ҳамма ҳудудларда ҳам тез ёрдам машиналари сони талаб даражасида эмас. Шуни ҳам айтиш керакки, ҳукумат бу масалага эътибор қаратиб келяпти, имкон қадар ҳудудлар кесимида тез ёрдам машиналари етишмаслигига барҳам беришга ҳаракат қилинапти.

УМРИМ ЎТАЯПТИ ЙЎЛЛАРДА...

Тез ёрдам шифокорларида ҳам шундай. Уларнинг умри чақирувларда ўтиб боради. Тез ёрдамнинг вақтидан кечикиб бориши уларнинг шахсан айби эмас. Йўлларнинг талабга жавоб бермаслиги, тиббиёт муассасаларининг аҳоли яшаш ҳудудлардан анча олисда экани шифокорларнинг беаёв калтакланишига қанчалик даражада сабаб бўла олади?

Тўғри, одамларда тиббиёт ходимларига нисбатан норозилик қайфияти, ишончсизлик ҳамон учраб туради. Бунга асослар ҳам борлиги ҳақ гап. Баъзан айрим тиббиёт ходимларининг қўпол муомала ва муносабатлари, кези келганда қўлгагини қараб иш тутишлари, тиббиёт муассасаларидаги керагидан ортиқ оворагарчиликлар-у жой етишмаслиги ҳолатлари бундай ишончсизликка сабаб бўлади. Аммо ўзини ҳурмат қилган, эл дардига дармон бўлишга бор куч-қувватини сарфлашга тайёр бўлган касбининг фидойилари ҳам улар орасида жуда кўплаб топилади. Нима бўлганда ҳам улар бизга керак, оғир вазиятларда уларга суянамиз, кўмагига муҳтожмиз. Асоссиз равишда уларга чанг солиш, дўппослаш, шаънини ерга уришга ҳеч биримизнинг ҳақимиз йўқ.

ЁЛҒОН ЧАҚИРУВЛАР...

Дарвоқе, тез ёрдам машиналари ҳолати, уларнинг етарли ёки етарли эмаслиги ҳақида ҳам унутмаслигимиз керак. Фарзандларимизнинг иссиғи кўтарилса ҳам, катталарнинг қон босими ошса-тушса ҳам, туғуруқ ҳолатларидан тортиб ҳар қандай оғриқли ва шошилиш вазиятларда дарров тез ёрдамга қўнғироқ қиламиз. Ўйлаб кўринг, ҳудудингиз бўйича бундай чақириқлардан ҳар соатда нечталаб бўлади. Баъзан эса инсоф чегарасидан ҳам чиқиб кетамиз, оддий ҳолатларда, шошилиш тиббий ёрдамга эҳтиёж бўлмаса ҳам тез ёрдам чақирадиганлар кўплаб топилади орамизда. Бу эса шифокорларнинг вақти бекорга сарф этилишига, тез ёрдам машиналари тақсиротидаги номуносиватликлар-



НОМЗОД ҚАНДАЙ ТАКЛИФИНИ ИЛГАРИ СУРМОҚДА?

Қонунчилигимизда тиббиёт ходимлари ҳуқуқлари, шифокорларнинг дахлсизлиги масалаларига оид ҳужжатларга кўзим тушмади. Балки тегишли ички низомида бу тартиблар белгилангандир. Аммо қонунан шифокорларнинг саломатлигига, уларнинг иш вақтида тазйиқларга учрашининг олдини олишга эътибор қаратилган жихатларни учратмаймиз. Партияимиздан Президентликка номзод Максуд Ворисова айнан шу масалага алоҳида ёндашган ҳолда тиббиёт ходимларининг шаъни, қадр-қиммати ва соғлиғини аймоя қилиш бўйича қонун ишлаб чиқиш тартиби етмоқда. Бу айнан юқорида баён этилган ҳолатлар, уларнинг олдини олиш, одамларнинг шифокорларга бўлган ҳурматини оширишга, мустаҳкамлашга хизмат қилади, деб ўйлаймиз. Зеро, шифокорлар ҳам саломат юрсагина, қадр топсагина хизматини талаб даражасида адо этади.

ЭЪТИРОФ

БАТАН ҚУДРАТИНИ МУСТАҲКАМЛОВЧИ, ТАРАҚҚИЁТНИНГ ТАМАЛ ТОШИ, ЮРТ ИСТИҚБОЛИНИНГ БОШ МЕЗОНИ БУ АЛБАТТА, ИЛМ-ФАН, ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ҲИСОБЛАНАДИ. ЮРТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИНИ БЕЛГИЛАШДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ҲАМ БУГҮН ТУБ ИСЛОҲОТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. БУ СОҲАДА ТАРИХИЙ АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

КУНИ КЕЧА ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ УСТОЗ ВА МУРАББИЙЛАР УНВОН, ОРДЕН ҲАМДА МЕДАЛЛАР БИЛАН МУКОФОТЛАНДИ. АСЛ ИСТЕЪДОДЛАРГА ЭЪТИБОР, МУАЛЛИМ ҚАДРИНИНГ ЮКСАЛИШИ ЭСА ҲАММАМИЗГА КУЧ БЕРАДИ.

УНВОН МУБОРАК, АЗИЗ УСТОЗЛАР!..



Раҳматулла КАРИМОВ, Тошкент шаҳри, Учтепа туманидаги 81-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, "Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси" фахрий унвони соҳиби:

– Математика фанига бугун том маънода барча фанларнинг онаси сифатида қаралапти. Бу фанга эътибор ҳар доимгидан-да юксалапти. Республикаимизда ҳозирги вақтда 100 дан ортиқ аниқ фанларга ихтисослашган умумтаълим мактаблари фаолият олиб боради. Улардан бири мен меҳнат қиладиган пойтахтимиздаги 81-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабидир. Айни пайтда

муассасамиздаги 4 та синф математика фанига ихтисослашган.

Фаолиятимни пойтахтимиздаги ўзим таълим олган 136-мактабда бошлаганман. У ерда 12 йил ишладим. Устозларимдан кўп нарсалар ўргандим, ишлаш давомида ҳам билимларимни мустаҳкамладим, тажриба орттирдим. Менинг бугунги ютуғим-мукофотим уларнинг ҳам ютуқларидир.

Хушхабарни эшитишим билан ота-онам, уларнинг ўғитлари, устозларимнинг меҳнатлари кўз олдимга келди. Ҳаяжоним анча вақтгача босилмади. 65 ёшимда камтарона меҳнатларим юксак эътироф этилганидан чексиз қувонч ҳис қилдим. Бу мукофот ота-онам, устозларим, мен фаолият олиб бораётган мактабдаги устоз ва шогирд, ўқувчиларимнинг ҳам мукофотидир.

Ўша куни уйимизда байрам бошланиб кетди. Мактабда ҳам кечга қадар байрам бўлди. 44 йиллик фаолиятим шу даражада юксак қадрланганига шукрона айтдим. Шунинг билан бирга бу катта масъулият ҳамдир. Биздан, соҳа вакилларидан фақат ва фақат сифатли таълим бериш талаб қилинади. Бунинг учун шароитларимиз етарли. Юриш-туришимиз, кийинишимиз, муомаламиз билан ўқувчиларимиз, шогирдларимизга шахсий намуна бўлишимиз керак. Таълимдаги энг сўнги инновациялар, кўрғазмалар қуроладан фойдаланган ҳолда уларнинг билим олишга бўлган интилиши, қизиқишини кучайтиришимиз, қўллаб-қувватлашимиз лозим.

Гулчеҳра ҚАЮМОВА, Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани Исҳоқхон Иброт номидаги мактаб-интернати директори, "Меҳнат шўхрати" ордени соҳиби:

– Ўқитувчилик шарафли касб. Бунинг айниқса, кейинги йилларда янада чуқурроқ ҳис қилинамиз. Негаки, бугун ёш авлод тарбияси, уларни баркамол қилиб вояга етказиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бунинг билан бирга кўп талларини таълим муассасалари, ихтисослашган мактаблар, ўқитувчи-мураббийларга кўрсатилаётган эътибор мисолида ҳам билиш мумкин.

Куни кеча мен ҳам давлатимизнинг юксак мукофотларидан бири билан тақдирландим. Юртимиз ри-

вожига қўшаётган кичик меҳнатимиз учун берилган бундай катта мукофот зиммамизга янада юксак масъулиятни ҳам юклайди, албатта. Мактабимиз 2017 йилда ташкил этилган. Мактаб раҳбари лавозимида 2018 йилдан буён ишлаб келмоқдаман. Муассасамиз чет тилларини ўқитишга ихтисослашган. Бу ерда республикаимизнинг турли ҳудудларидан келган ўқувчилар таълим-тарбия олишади. 120 ўринга мўлжалланган мактабимизда ўқув дарсларидан ташқари турли тўғарақлар ҳам фаолият кўрсатади. Ўқувчилар бу ерда инглиз, немис, француз, япон, корейс, араб тилларини чуқур ўрганишади.

7-синфдан қабул қилинган ўқувчилар 11-синфни тугаллагунга қадар учта тилни пухта ўзлаштиришади. Битирувчиларимиз олий таълим муассасаларининг хорижий тил филологияларига қўшимча грант асосида ҳам қабул қилинишади. Ўтган 2020-2021 ўқув йилида 39 нафар битирувчининг 14 нафари грант асосида, қолганлари шартнома асосида олий таълим муассасаларига қабул қилинди.

Исҳоқхон Иброт буюк мутафаккир, таржимон, етук аллома бўлган. Унинг издошлари айнан бизнинг мактабимиздан етишиб чиқапти, деса-сам адашмаган бўламан. Мактабимизда ўқув жараёнларидан ташқари, ижодий муҳит яратишга ҳам эътибор қаратамиз. Ўқувчилар ўзбек адабларининг асарлари, ҳикояларини чет тилларига таржима қилишади. Мисол учун, ўтган йили ўқувчимиз Абдулла Қаҳҳорнинг "Бемор" ҳикоясини немис тилига таржима қилди ва бу асар Германияда чоп этиладиган журналда нашр этилди.

Саҳифани Г. ОДАШБОВА тайёрлади.

САВОЛ: САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИДА ҚАНДАЙ ҲАРАКАТЛАР ТАҚИҚЛАНАДИ?

ЖАВОБ: Сайловолди ташвиқотини сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматларидан ташқари), шунингдек, пул маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб бориш тақиқланади. Нотўғри ахборотни, шунингдек, номзодларнинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказадиган маълумотларни тарқатиш тақиқланади.

Жарималар миқдорини ошириш ҳалокатларни камайтиришга хизмат қиляптими? Статистика нима дейди?

ГАП ЖАРИМА МИҚДОРИДА ЭМАС...

ЭХТИЁЖ МАНБАИГА НАЗАР

Бир неча кун давомиди ижтимоий тармоқларда кенг тарқалиб, турли муҳокама-ларга сабаб бўлган жарима масаласидаги таклиф асосли эдими? Аввалло, ушбу саволга жавоб излаб кўрамиз. Яъни, автотранспорт воситасида тезликни оширганлик учун жарима миқдорини камайтириш ҳақидаги таклифнинг сабаби нима эди?

Маълумки, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги кодексга ўзгартиш киритиш бўйича қонун лойиҳаси муҳокама қилинган. Унда фуқароларнинг эътирозларига сабаб бўлаётган баъзи ҳуқуқбузарликлар учун тўланадиган жарима миқдори камайтирилиши кўзда тутилган ва бу депутатлар томонидан маъқулланган. Шу билан бирга, ҳар қандай йўналишдаги жаримага асосланган чоралар аҳолининг молиявий имконияти, топаётган даромадларига мос келиши кераклиги айтилган. Охириги икки йилда бутун дунёда давом этаётган эпидемиологик вазият ва бунинг оқибатида аҳоли даромади камайгани ушбу масалани янада ўткирлаштиришга сабаб бўлган. Шундан келиб чиқиб, партия таклиф билдирган.

"Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги кодекснинг 128-модда иккинчи қисми санкциясидаги жарима миқдорини БҲМнинг 3 баравари — 810 минг сўм (ҳозир 5 баравар — 1 млн 350 минг сўм) қилиб белгилаш бўйича таклиф билдирилган.

Яна ҳам тушунарлироқ қилиб айтсак, фракция аъзолари аҳоли пунктларида 70 км/соат билан чекланган тезликда 20-40 км/соатдан кўпроқ, яъни 91-110 км/соат тезлик орасида радарга тушиб қолса, белгиланган миқдорни камайтиришни таклиф қилган. Бу 5 баравар БҲМ ўрнига 3 баравар БҲМ жарима солишни аниқлаб, демак, халқ демократлари жарималар аҳолининг реал даромадларидан келиб чиққан ҳолда белгиланиши тарафдори.

ТАНГАНИНГ ИККИ ТАРАФИ БЎЛАДИ

Энг аввало, ушбу тартиб жорий этилса, рўй бериши мумкин бўлган салбий ҳолатлар ҳақида тўхталиб ўтсак.

ХАЙДОВЧИЛАР ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАЛАРИ БЎЙИЧА ИИБ ХОДИМЛАРИСИЗ ҲОДИСА ТЎҒРИСИДАГИ ХАБАРНОМАНИ ТУЗИШИ МУМКИН

Манба: БМҚ-609-сон, 27.09.2021 й.

@huquqiyaxborot

Йўл-транспорт ҳодисалари бўйича хайдовчилар ИИБ ходимлари иштирокисиз ҳодиса тўғрисидаги хабарномани тузиш орқали суғурта товонини олиш тартиби жорий этилган

2021 йил 1 ноябргача суғурта ташкилотларининг веб-сайтларида хабарнома бланкаси намунаси жойлаштирилади ва уни юклаб олиш имкони яратилади

Хабарнома икки нусхада қўйидаги асослар бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлганида тузилади:

жабрланувчига енгил жароҳат етмаганида ёки мол-мулк шикастланмаганида

иштирокчилардан бири ўз айбига иқроп бўлганида

ҳодиса пиёда иштирокисиз содир этилганида

ҳодиса фақат 2 та транспорт иштирокида бўлганида

иштирокчиларнинг фуқаролик жавобгарлиги суғурта қилинган бўлса

хайдовчилик гувоҳномаси, рўйхатдан ўтказганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома, йўл варакаси мавжудлиги

хайдовчилар маст бўлмаса

транспортларнинг шикастланиши низоми келтириб чиқармаса

Қарор 2021 йил 25 ноябрдан қучга киради.



Қоидабузарлик	01.09.2021
Камар тақмаслик	135 000
Техник кўрик, «аптечка»	135 000
Ҳужжатсиз юриш	270 000
Сувчундасиз хайдаш	270 000
К	540 000
Т	810 000
Н	540 000
Ра	50 000
Тез	1 000
Тезлик	350 000
Тезлик (+40 км)	430 000
Қарама-қарши к	2 700 000
Маст ҳолда хайдаш	маҳрум
Рухсатсиз тонировка	6 750 000

қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун расмийлаштирилган маъмурий қарорлардан норози бўлиб судга шикоят қилиш ҳолатлари ҳам кўпчилиكنи ташкил этмоқда. Эътиборлиси, мурожаат қилганлар аксариятининг шикояти суд томонидан қаноатлантирилган.

Хусусан, 2020 йил давомиди 19 минг 134 та шу соҳа бўйича судларда қўрилган ишларнинг 89,2 фоизи қаноатлантирилган. 5 минг 778 таси бўйича ишни җоритишни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Бу шунинг аниқладики, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда назарда тутилган баъзи ҳуқуқбузарликлар учун тайинланган жазо чораларининг миқдори инсонпарварлик ва одиллик тамойилларига мувофиқ эмас. Фракциямиз шунинг учун ўз позициясида қатъий қолади ва 128-модданинг иккинчи қисмидаги санкция миқдорини камайтириш керак, деб ҳисоблайди.

ЖАРИМАЛАР "ЁМҒИРИ" ҲАҚИДА МУЛОҲАЗА

Бир неча йиллардан буюн жамоатчилик томонидан кўплаб эътирозлар "тонировка" масаласи ва унга нисбатан қўлланилган жарима миқдори ҳақида экани ҳеч кимга сир эмас.

Яъни, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 126-моддасига мувофиқ, рухсатсиз ойналар тусини ўзгартириш — "тонировка" учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 баравари ёки айни пайтда 6 миллион 750 минг сўм жарима белгиланган. Муҳокама-ларда кўпчилик бунинг ўринсиз ва мантисиз, деб баҳолаган. Баъзи жойларда орқа эшик ойналарининг тусини ўзгартиришни текин қилиш лозимлиги қайд этилмоқда.

Чиндан ҳам, жарималар аҳолининг ойлик даромадига мос бўлиши кераклиги айтилаётган бир вазиятда ҳеч кимга зарари тегмайдиган рухсатсиз ойна қорайтириш учун бу қадар катта сумма белгиланиши қанчалар мантисиз тўғри келади? Агар ушбу ҳолат такрорланса, бу сумма 11 миллионгача етиши мумкин. Ваҳоланки, светифорда қизил чироқда ўтиб кетиш учун БҲМнинг 1-3 баравари миқдорида жарима қўлланилиши назарда тутилмоқда. Ахир, қизил чироқдан ўтиб кетиш оқибатида содир бўлаётган авариялар сони ҳам кам эмас-ку?

Сенатнинг 17-ялпи мажлисида Ички ишлар вазирининг ахбороти эшитилган эди. Унда Республика бўйича 2021 йилнинг ўтган 6 ойи давомиди жами 3,5 миллионга яқин, 2020 йилга нисбатан 40,8 фоизга кўп йўл ҳаракати қоидабузарлиги содир этилгани таъкидланган. Натижада 3754 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилиб, уларда 3170 нафар фуқаро жароҳатланган ва 954 нафар фуқаро ҳалок бўлган. Ачинарлиси, 458 нафар бола жароҳатланган ва 104 нафар вояга етмаган бола ҳалок бўлган. Бу 2020 йилнинг шу даври билан солиштирилганда, ИТХ сони 57,2 фоизга, ҳалок бўлганлар 30,5 фоизга, жароҳатланганлар эса 38,1 фоизга ортиб кетган.

ХУЛОСА

Халқ демократик партияси берган таклиф ўринлими ёки йўқ, деган саволга ҳар кимнинг ўз ҳақиқати бор. Аҳоли яшаш пунктларида ҳаракат кўп, йўллар эса ҳамиша банд бўлади. Тезликни оширишнинг имкони йўқ ва ҳар бир нуқтада назорат камералари ўрнатилгани ҳам бор гап. Бироқ халқаро стандартларга эътибор қиладиган бўлсак, қўлланилаётган жарималар аҳолининг реал даромадларига номуаносиб эканини кўриш мумкин.

Мухими, қонуний чоралар муаммонинг ечимига йўналтирилиши билан аҳамиятлидир. Рақамлар эса жарималарни ошириш ягона чора эмаслигини исботлаб турибди. Демак, одамларда хайдовчилик маданияти, йўловчи ва пиёдаларда эса ҳаракатга амал қилиш кўникмаларини ошириш зарур. Мана шу тўғри ва самарали чора бўлади.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.

Фуқаролар суюлтирилган углеводород газ баллонини ўлчашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

6-oktyabr, chorshanba, 2021-yil.
№40 (32682)

СЮЛТИРИЛГАН ГАЗ: ЕЧИМ ҚАЕРДА?



**“Худудгазтаъминот”
акциядорлик жамияти
бошқаруви раиси ўринбосари
Тоҳиржон Турдиев билан
суҳбат**



— Мана, куз ҳам яримлади. Остонада — қиш. Шундай вақтларда республикамизда табиий газ етиб бормаган ҳудудларда суюлтирилган углеводород газга бўлган талаб ортади. Хўш, мутасаддилар қиш мавсумига қандай тайёргарлик кўрган, олис ва чекка ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳоли учун қиш мавсумида иссиқлик етказиб беришда муаммо бўлмайdimи?

— Очиғини тан олиш керак, ўтган йиллар мобайнида аҳолини суюлтирилган углеводород гази билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар жараёнида эришилаётган ютуқлар билан бир қаторда етказиб берилган маҳсулот учун ҳисоб-китоб тартибига ҳақли эътироз ва тушунмовчиликлар бўлди. Баъзи вақтларда эса истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари бузилиш ҳолатлари ҳам кузатилди.

Шу боисдан биз “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган вазифалар ижросидан келиб чиқиб, суюлтирилган углеводород газини истеъмолчиларга етказиб беришда автоматлаштирилган тизимни жорий этишни бошлаяпмиз. Яъни, “E-Gaz” автоматлаштирилган тизим жорий қилинди. Ушбу тизим истеъмолчиларни қийнаб келаётган юқоридаги каби муаммоларнинг ечими бўлди.

Хусусан, ушбу тизимни ҳаётга татбиқ этишда биринчи гада барча истеъмолчиларга пластик карта,

яъни ID карталар бепул тарқатилди ва бугунги кунда аҳоли фойдаланувида бўлган 4 миллион 600 мингдан ортиқ газ баллонига кодли стикерлар ўрнатилди. Шу орқали истеъмолчилар ва газ баллонлар рўйхати қамраб олинган ҳолда “E-Gaz” дастури тўлиқ ишга туширилади.

Шу тариқа истеъмолчилар ҳисоб рақамларини мустақил равишда тасарруф қилиш, дейлик, маҳсулот етказиб берилгандагина ушбу карта орқали тўловни амалга ошириш имконияти берилади. “Бар кодли” стикерлар эса маиший газ баллонларнинг ҳаракати, яъни қайси газ баллон истеъмолчи фойдаланувида, қайси бири газ тўлдириш иншоотида, қайси бири синов марказларида эканини назорат қилиш ва қайси бирлари қўштирноқ ичидаги тадбиркорларнинг ноқонуний фойдаланишида эканини “on-line” режимида аниқлаш имкониятини бермоқда.

Ушбу дастурни жорий этиш орқали, аввало, нархнинг сунъий оширилишининг олди олинди. Иккинчидан, суюлтирилган газ ҳар бир истеъмолчига уйма-уй ўз вақтида ва белгиланган миқдорларда етказиб берилади. Учинчидан, нақд пул айланмаси ва ортиқча қоғозбозликка чек қўйилади. Тўртинчидан, қўштирноқ ичидаги “тадбиркор”ларнинг кингир йўл орқали аҳолига аталган суюлтирилган газни талон-торож қилишига чек қўйилади. Бешинчидан, истеъмолчиларга суюлтирилган газни

етказиб бериш жараёнининг тўлиқ шаффофлиги таъминланади.

Қолаверса, электрон тизимда истеъмолчиларда виртуал шахсий кабинет, СМС хабарнома хизматидан фойдаланиш имконияти бўлади. Ҳозирда ушбу тизимни ўзлуксиз ишлатиш мақсадида дастурчи ҳамкорларимиз томонидан туну кун ишлайдиган Call-centr ташкил этилган.

— Суюлтирилган газ баллонлари етказиб берилганда унинг вазини ўлчаб олиш мумкинми?

— Амалдаги қонунчиликка кўра, истеъмолчи газ таъминоти ташкилотининг ходими иштирокида суюлтирилган углеводород газини назорат тартибида ўлчашни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Бундан ташқари, газ таъминоти ташкилотида автотранспорт воситаларида назорат тарозиси бўлиши шарт. Бир сўз билан айтганда, фуқаролар суюлтирилган углеводород газ баллонини ўлчашни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Мавжуд 835 дона махсус автотранспорт воситалари назорат тарозилар билан тўлиқ таъминланган.

— Маиший газ баллон берилиш тартиби қандай? Бир ҳовлида иккита оила яшаса, улар ўзларига алоҳида-алоҳида, яъни иккита олса бўладими?

— Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 августдаги 646-сон қарорининг 1-илоvasи 16-бандига асосан “Газ таъминоти ташкилоти истеъмолчининг аризаси асосида унинг балансида бўлган маиший

газ баллонини тўлов ундирмасдан вақтинча фойдаланишга бериш мажбуриятини олади, истеъмолчи эса ундан хавфсизлик қоидаларига риоя қилган ҳолда фойдаланиш мажбуриятини олади”. Шу илованинг 17-бандида “Истеъмолчиларга маиший газ баллонини вақтинча фойдаланиш учун етказиб бериш имкониятини кўриб чиқиш қўйидаги тартибда амалга оширилади, истеъмолчи газ таъминоти ташкилотига маиший газ баллони бериш ҳақидаги аризани ёзма ёки электрон шаклда истеъмолчи паспортининг нусхаси ва яшовчилар сонини тасдиқлайдиган маълумотномани илова қилган ҳолда тақдим этади. Берилган ариза уч иш куни мобайнида газ таъминоти ташкилотининг мутахассислари томонидан жойига чиқиб суюлтирилган газ билан таъминланганлик ва овқат тайёрлаш учун газдан фойдаланувчи ушкунанинг мавжудлиги жиҳатидан ўрганилади. Ўрганиш якунлари бўйича далолатнома тузилади ва газ таъминоти ташкилоти томонидан битта истеъмолчига бир дона газ баллони етказиб берилади.

Яна шуни қўшимча қилиб айтмоқчи эдимки, аксарият суюлтирилган газ истеъмолчиларидан мурожаатлар иккинчи маиший газ баллон олиш юзасидан келиб тушмоқда. Амалдаги қонунчиликка асосан (Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 августдаги 646-сон қарори) газ таъминоти ташкилоти

томонидан битта истеъмолчига бир дона газ баллони етказиб бериши белгиланган. Бироқ хонадондаги яшовчилар сони кўплиги сабаб, алоҳида хўжалик ажралиб чиққан ва белгиланган талабларни бажарган аҳоли хонадонлари истеъмолчи сифатида рўйхатдан ўтказилади ва алоҳида маиший газ баллон тақдим этилади. Маиший газ баллон бепул вақтинча фойдаланишга тақдим этилади. Бунда истеъмолчи томонидан бир марталик суюлтирилган газга мослаштириш, лойиҳалаш ва газ жиҳозларини созлаш каби ишларни амалга ошириш учун тўлов қилиши зарур (ҳозирда 157 минг сўмни ташкил этади).

**“Ўзбекистон овози” мухбири
Тоштемир Худойкулов
суҳбатлашди.**

АДОЛАТ — ҚОНУН УСТУВОРЛИГИДА!

СУД ТИЗИМИ ЯНГИ ДАВРГА ҚАДАМ ҚЎЙДИ

АДОЛАТ – ДАВЛАТНИНГ УСТУНИ, МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ, ДЕГАН ГАП БОР. АЙНИ ШУ ТАМОЙИЛ ҲАР БИР МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИДА ҲАЯТ МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТИШИ БАРОБАРИДА ДЕМОКРАТИЯ ДАРАЖАСИНИ БЕЛГИЛОВЧИ БИРЛАМЧИ МЕЗОН ҲАМДИР. ШУ МАЪНОДА ЮРТИМИЗДА СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ МУНТАЗАМ РАВИШДА ИСЛОҲ ҚИЛИБ БОРИШ, СУДЛАРНИ ЧИН МАЪНОДА АДОЛАТ ҚЎРҒОНИГА АЙЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ҚАТЪИЙ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРНИ ТАЪКИДЛАМОҚ ЖОИЗ.

Мамлакатимизда кейинги йилларда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари, тизимдаги ижобий ўзгаришлар бир пайтлар ноҳақ судланиб, ўз вақтида кўп жабр чеккан юрдошларимизда ҳам катта умид уйғотаётгани бор гап. Ана шулардан бири Фурқат Камаловдир. У 2015 йили жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти, Ўзбекистон тумани судининг ҳукми билан уч йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, энг ҳам ойлик иш ҳақининг 350 баравари миқдорида жарима жазосига тортилган.

Фурқат Камалов 2010 йилдан 2014 йил июнь ойига қадар ички ишлар тизимида ишлаб келиб, мансаб ваколатини суиистеъмол қилганликда айбланган. Жумладан, унга туман ИИБ қошида ташкил этилган ёрдамчи хўжалиги расмий хўжалиқларига бошқа шахс номи тиркалган бўлса-да, амалда Ф. Камалов номидан юритилганлиги, ёрдамчи хўжалик учун ажратилган ер майдонига давлат буюртмаси бўйича дон экилишини таъминламай, бошқа ижарачиларга вақтинча фойдаланиш учун бериб юборганлиги, улар эса шולי, пиёз, қалампир ва ерёнғок каби экинлар экиб, даромад олиб келиши натижасида давлат ва жамоат манфаатлари зарар етказганлиги, ёрдамчи хўжалик учун “Қишлоқхўжалиқимё” шўъба корхонасидан олинган минерал ўғитларни ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-торож қилганлиги каби айбловлар қўйилган.

Фурқат Камалов ўтган йиллар давомида ўзининг айбсизлигини исботлаш учун бир неча бор судга, жумладан, Олий судга мурожаат қилган. Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2021 йил 12 майдаги ажрими билан жиноят иши янгидан апелляция инстанциясига кўриш учун Фарғона вилоят судига юборилган. Ҳайъат томонидан Ф. Камаловга оид ишнинг барча жиҳатлари синчиклаб ўрганилиб чиқилди ва у айбсиз деб топилиб, оқланди. Шунинг баробарида унга етказилган мулкий зиённи қоплаш ҳамда маънавий ва бошқа зиён оқибатларини тегшишти тартибда бартараф қилиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилди.

Тизимда узоқ йиллар ишлаб,

айни пайтда кексалик гаштини сураётган суд фахрийлари, тажриба мактабига эга устозлар шогирдларга бир жиҳатни қайта-қайта уқтириб келишади: “Судьянинг ҳар бир қарори қонуний бўлиши мумкин, аммо доим ҳам адолатли бўлмаслиги мумкин. Ўз устингизда шундай ишлангки, қарорингиз ҳам қонуний, ҳам адолатли бўлсин!”

Бу каби ибратли панду ўғитлар судьялар фаолиятида муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода вилоят судлари томонидан 2021 йилнинг 8 ойи давомида 1 минг 113 нафар шахсга нисбатан қонун санкциясида кўрсатилганидан камроқ жазо тайинланганлигини кўришимиз мумкин. Бу каби жиҳатлар давлатимиз сиёсатининг кеңиримлиги, инсонпарварлик тамойилларига хос ва мос, десак муболаға эмас.

Шу ўринда яна бир статистикага эътибор берсак. Апелляция инстанцияси томонидан 2019 йилда 49 нафар шахс, 2020 йилда 50 нафар шахс, 2021 йил 9 ойида эса 43 нафар шахс суд залида қамоқдан озод қилинган. Бундан ташқари, кассация инстанцияси томонидан ҳам 2019 йилда 11 нафар, 2020 йилда 17 нафар, жорий йилнинг 9 ой давомида эса 15 нафар шахс суд залида қамоқдан озод қилинган.

Албатта, инсон зоти хатодан ҳоли эмас. Айниқса, ёшлар орасида билиб-билмай, кўпинча ноҳақ хатти-ҳаракатларининг оқибатини ўйламай жиноят содир этиш ҳоллари учраб туради. Бундай ҳолатда содир этилган қилмишнинг ҳолати ва даражасига қараб, шахсга нисбатан қанолат хатлари асосида енгиллик берилиши қонунчилигимизда белгиланган. Вилоят судлари томонидан 2019 йилда 125 нафар шахсга нисбатан жазо тайинлашда ёшлар иттифоқи, хотин-қизлар қўмитаси ва маҳалла фуқаролар йиғинлари қафиллиги эътиборга олинган бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткич 78 нафарни, шу йилнинг биринчи ярмида эса 53 нафарни ташкил этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида “Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи қафолатланади”, деб белгиланган. Шундан келиб чиқиб айтсак, кейинги йилларда судларга мурожаатлар сонининг кескин ошганлиги, аввало, одамларда судга бўлган



ишончининг ортиб бораётганлиги билан боғлиқ, дейиш мумкин. Мисол учун, фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 2019 йилда 18 минг 120 та, 2020 йилда 19 минг 595 та, шу йилнинг 8 ойида эса 22 минг 749 та иш кўрилиб, 78,1 фоиз даъво аризалар қаноатлантирилган.

Ортиқча суд босқичларини бекор қилиш орқали “бир суд – бир инстанция” тамойили жорий этилди. Яъни туманлараро, туман (шаҳар) судларининг қарорларини вилоят даражасидаги судлар томонидан апелляция тартибида, апелляция тартибида кўрилган суд қарорларини эса Олий суд томонидан кассация тартибида қайта кўриб чиқиш, кассация тартибида кўриб чиқилган ишлар бўйича суд қарорларини эса Олий суд раиси, Бош прокурор ва уларнинг ўринбосарлари протестига кўра кассация тартибида тақдоран кўриб чиқиш белгиланди. Суд ишларини назорат тартибида кўриш институти эса туғатилди. Бундай тартибнинг ўрнатилиши судда ҳар бир иш бўйича якуний тўхтамга келиш илгари 1 ёки 2 йилни талаб қилган бўлса, бугунга келиб якуний тўхтам учун кўпи билан 5 ёки 6 ой вақт сарфланмоқда, бу эса суд қарорларининг қонунийлигини таъминлаш ҳамда фуқаролар сарсон бўлишининг олдини олишга хизмат қилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда шахс дахлсизлигини судлар томонидан ҳимоя қилишнинг қонуний асослари яратилганлиги ўз самарасини бермоқда.

**Шўхрат КАМОЛОВ,
Фарғона вилоят суди раиси.**

САВОЛ Ўзбекистон Республикаси

Президентининг ваколат
муддати қанча?

ЖАВОБ Ўзбекистон
Республикаси
Конституциясининг
90-моддасига биноан
Президент беш йил
муддатга сайланади.

ADABIY JARAYON

6-oktyabr, chorshanba, 2021-yil.
№40 (32682)ОДАМ ҚАЧОН
ЯШАЙДИ?Савиясиз китобларнинг кўпайиб
кейтиши ҳам адабиётнинг нуфузини
туширмоқда.Матлуба
ҳожи она
Очил қизи,
нафақадаги
ўқитувчи,
меҳнат
фахрийси.УСТОЗ
НАЖМИДДИН КОМИЛА

Шоғирлари эди топган давлати,
Ютуғидан ортарди белда қуввати.
Ҳаммага баробар эди ҳиммати,
Тириклик осмонда камтарин инсон,
Ул Нажмиддин Комил устоз беғумон.

Қўлидан тушмасди дафтар қалами,
Тилдан тушмасди ҳикмат қаломи.
Катта-ю кичикка бирдек саломи,
Ҳаёт қарвонида беназир сарбон
Ул Нажмиддин Комил устоз беғумон.

Баланд эди юртда обрў-иззати,
Ҳатто чет элда бордир ҳурмати.
Мағрур ғоя қаби эрди салобати
Илм гулшанида ул моҳир боғбон.
Нажмиддин Комилдир устоз беғумон.

Ҳаётида кўрди кўп баланду-пасти
Йўлида учратди хўп хору хасни.
Бозорлик билан снғди ҳар қасни
Исми ҳам жисмига монанд бу инсон
Ул Нажмиддин Комил устоз беғумон.

— **Шоир қанотига ўт кетган қушдир,
Унга дон кўрсатманг, беринг осмонни.
То ёниб бўлаунча ёришсин олам,
Токи куйдирмасин куйган жаҳонни.**
Ушбу сатрларни ўқиганимизда шоирлик
дегани, қай бир маънода фидойилик эканини
англаймиз. Умуман, шоирлик аслида
нима? Шу хусусда аниқ бир тўхтам, қоида
мавжудми?

— Шоирлик аввало, тўлиғича Худога таваққал,
дегани. Шоирлик ишонш дегани! Бадгумон
шоир бўлолмайдми. Шоирлик борингни
бериш, эъзаига таъма қилмаслик — мардлик,
тантилиқдир. Бу кўп қийин юмуш, мушкул иш.
Истеъдод — тақдирдан! Ризқ — тақдирдан! Бу
дунёда сув остида юмалаб кун кўрувчи онгсиз
жониворнинг ҳам ризқи тайин. Шундай бўлгач,
ижод одами нега кўрқсин?.. Кун кечираверади.
Аммо бу осон эмас, бунга ҳамма кўнормади.
Шоирнинг таоми қаноат, либоси сабр бўлмас
экан, шоирлиги тугаб қолади. Қалб тақвоси
бузилган истеъдод бора-бора сўнади. Бу ёмон.
Шоирнинг назари тўқ бўлсин! Акс ҳолда бу
ижодкорнинг маънавий ўлимига олиб келади.

Шоирга эркинлик керак! Рўх тутқун бўлмасин,
оташин сўзи қайтмасин!
— **Сиз шоирни сўфийга тенглаштириб
юбоярсиз. Аммо шоирнинг ижод қилиши
учун шароит керак эмасми, унинг жамият
олдидаги бурчи-чи?**

— Шоир — ҳалоллик, мардлик, бетаъмалик,
адолатпарварлик, деган олий фазилатларга эга
бўлмоқ. Ҳаромдан, мунофиқликдан, риёдан,
ҳиёнатдан ҳазар қилишдир шоирлик. Шу фазилатларга
эга одамни сўфий дейимизми, шоир
дейимизми — қандай атасак ҳам бу некбин зот
Яратганнинг рўйхатида бор.

Ижод учун шароит, албатта керак. Шароит
дегани қоғоз-қалам ва осуда қалбдир. Осуда
қалб бу — оилавий ҳаловат, тансихатлик. Оила-
вий ҳаловат нимадир биласиз. Шу сабабдан
ҳам шоирлиқни бўйнига олган одам ҳаётини
шунга мувофиқ қуриш керак. Узининг катта
савдогар ёки амалдор эмаслигини, билъақс,
шоирлигини унутмаслик лозим. Қалам ҳақиқа
уй, машина олишни кўзлаб қалам тебратиб
бўлмайди. Ахир, ёзиш унинг бурчи! Назари
оч, беҳаловат кимса саройда яшаса ҳам рози
бўлмайди. Ўзини танимайди. Ўзини таниб ол-
ган одамнинг ёзганлари чиндир, умрбоқийдир.
Лекин ижод кишиси ижтимоий ҳаётда у қадар
уддабурон бўлмайди, кўп ҳолларда йўқни
йўндирадиган иқтисодчиликни эпловмайди.
Шоирнинг қора қозони қайнаши ҳам бор. Шу
сабабли ҳам шоир ҳаётини тўғри қуриш керак.

Биз бугун ҳам ўқийтган асл шоирларнинг —
улар қадимда ўтганми, замондошимизми — бар-
часида озми-кўпми сўфийлик бор. Улар ўзларини
таниган, имонлари бут. Дунё ҳисобли эканини,
одам умри ғаниматлигини чинакамига тушуниш
одамни ўзига қайтаради. Ҳою ҳавас, сохта ша-
рафлар ШЕЪР деган мўъжиза инъом қилинган
қалб эгасини барбод қилади. Бундан тақво
қилиш керак. Аммо ҳар бир шоир ҳам маълум
маънода эътибор истайди. Бу эътибор унинг ёз-

ганларини кишилар ўқиб, ундан нимадир олиши
учун интилишгина бўлиши керак. Дейлик, мен
учун телеграмда ижодий канал очилган. Бунда
берилган шеърни кўпроқ ўқишларини истайман.
Ягона боиси шуки — асл шеърхон керак менга.
Асл шеърхон жуда ноёб. Ва уларнинг кам бўлса
ҳам борлиги ҳавойи гап демангу, жамият тақди-
ри учун ҳал қилувчи кунга эга.

Шоир миллат дидининг, фаросатининг ри-
вожида муҳим роль ўйнайди. Бу жуда катта
куч. Қайсики миллатнинг бошидан шўришлар
аримай, ўз улугларини, муқаддас нарсаларини
топтаб ётган бўлса, бу халқнинг шоири йўқ!
Шоир йўқ халқ — йўқ халқ! Шоирнинг вази-
фаси, бурчи ҳақида яна кўп гап айтиш мумкин,
аммо хулоса шу!

— **Жамиятни кузатасиз, оддий одамлар
билан мулоқотдасиз, турли хил инсонлар-
га дуч келасиз. Бугун қай бир хислатлар
одамларни тарқ етаяпти, деб ўйлайсиз ёки
инсонлар қандай фазилатлардан билиб,
англаб туриб узоқлашмоқда, воз кечиш-
моқда?**

— Одамнинг қалбидан уят кетса, ҳамма

»БУГУН ШУҚР КАМАЙДИ,
САБР, ТОҚАТ КАМАЙДИ. ЯШАШ
ОСОНЛАШДИ, ЛЕКИН БУРЧНИ
УНУТИШ ОРТДИ.

нарсаси кетади. Уят инсофни ҳам, имонни ҳам
олиб кетади. Ғирромлиқни, ҳасадни юзага
чиқаради. Бу иллатлар одамнинг ботинида
бор-да.

Бугун сўз айтишдан, ўзини намоён қилиш-
дан осон иш йўқ. Шармандага шаҳар кенг,
деган ибора бор. Бу иборани "Пиарчиға" деган
шеъримда ҳам ишлатдим. Бугун айрим одам-
ларнинг қалбидан мангуға кетиб бораётган
андиша кишини ўйлатадиган ҳол. Халқнинг
"Элга берсин, эл қатори менга берсин!" деган
нияти, дуоси бор. Ҳозир айримлар бу нақлни
"Фақатгина менга берсин, элникини ҳам менга
берсин", деб ўзгариштириб олишди.

Очиғини айтиш керак. Бугун шуқр камайди,
сабр, тоқат камайди. Яшаш осонлашди, лекин
бурчнинг унуттиш орти. Шошқалоқ дунё бизнинг
ўзбекни ҳам давсасага солиб қўяпти. Яшаш
осонлашди, лекин беқорчи гап эмас. Буни
қаноатсизлар қабул қилолмайди.

Эллик ёшдан ошган бир танишимиз бор. У
йигирма йилки Россияда ишлайди. Оддий қора
ишчи. Уни камситмоқчимасман. Гап бошқа на-
рса ҳақида. Шу одам кишлоқнинг ўртасидан бир
уй солди. 20х15 кадам катталикдаги бу уйни
бошлаганига бу йил олти йил тўлди. Қарийб
тўрт юзта шифер кетган эмиш. Ҳали тўлиқ

битгани йўқ. Шу уйга келин туширди,
келин тушадиган хонасининг пардозига
ярим машинанинг пули кетибди. Тақдир
экан, ўзи Россияда юрган пайтида отаси
кутилмаганда уч кун касалланиб қазо
қилиб қолди. Етиб келолмади. Унинг
уйи қурилиш тафсилотларини эшитиб
туриб бу одамга ачиниш кетаман. Қачон
яшайди, бу одам? Имом Бухорий ҳаз-
ратларининг меҳмонга, тўй-маъракага
борганда кийиш учун битта либоси бўл-
ган экан. Агар либос кир бўлиб ювил-
ган бўлса, маъракага боролмасканлар.
Лекин у зот дунё имоми бўлди-да! Бу
ўтар дунёда бир туп тутчалик одамларга
бахра беролмасанг, қўлингга илашган
нарсани қаламушдай инининг ташийвер-
санг, яшашдан маъно нима?

— **Бугун адабиёт соҳасига ҳам
катта эътибор қилиняпти. Лекин
адабиётимиз шунга яраша жавоб
бероляптими? Одамлар китобдан
кўра бошқа нарсаларга оғиб кетма-
яптими...**

— Адабиётга эътибор тубдан ўзгарди, яхши-
ланди. Қаламнинг, сўзнинг ҳурмати ўз ўрнини
топаяпти. Буни хурсандчилик билан айтиш,
эътироф этиш керак. Китоб чоп этишдан тор-
тиб ижодкорларга берилаётган уй-жойлар, дам
олиш масканлари ва ҳоказо...

Адабиётнинг "шунга яраша" жавобига кел-
сак, замоннинг юрагига ҳам қулоқ тутиш керак.
Менинг 14 ёшим билан бугун шу ёшдаги ўғлим-
ни қиёслаб бўлмайди. Мен ўсири бўлган пай-
тимда чироқ бор оқшомларда битта каналдан
кўрсатадиган телевизор ва
китоблар бор эди. Телевизор
ҳам соат ўн бирда ўчарди.
Китобдан бошқа ҳамдамим,
дўстим йўқ эди. Ҳаёлимни
Алломиш, Робинзон, Рим
эртақлари қаҳрамонлари,
Абдулла Орипов шеърлари
банд қилганди. Мактабда
ҳеч ким айтмаса ҳам яхши
ўқирдим.

Биласиз, тунда овоз
узоққа кетади. Чунки бошқа
товушлар тинган бўлади.

Бугунги ўсмир болани "ўзини қилиб олади-
ган" адабиётдан бошқа нарсалар ҳам бисёр.
Телефон, компьютер, ўттизта каналдан кўр-
сатадиган телевизор. Адабиётимизга келсак,
жуда катта асарлар яратилляпти. Бултур Назар
Эшонқулнинг "Гўрўғли" романини ўқидим. 30
йил аввал бундай асарлар йўқ эди-ку. Ёзувчи-
ларимизнинг китоблари кам адабда чоп эти-
ляпти. Ўқувчига етиб бориши қийин бўляпти.
Шеърят жуда илдамлаб кетди. Зўр шоирлар
майдонга чиқаяпти. Улар ҳали ўз ҳосилини
бериши шубҳасиз. Аммо бу шеърларни китоб
ҳолида ўқувчига етказиш алоҳида муаммо
бўляпти. Ғолиб китобхон учун катта совғалар
берилиши ҳам болаларни адабиётга тортиш
йўлидаги ҳаракатлардир.

Кейин савиясиз китобларнинг кўпайиб ке-
тиши ҳам адабиётнинг нуфузини туширмоқда.
Буни тартибга олиб бўлмаяпти. Бу эса савияга,
дидга ёмон таъбир ўтказмоқда. Биласиз...

— **Замон қаҳрамони образини яратиш
адабиёт учун қанчалар муҳим, деб ҳисоб-
лайсиз?**

— Ҳар қандай асар қаҳрамонининг ҳам худди
тирик одам қаби ўз тақдири бор. У шу тақдирни
босиб ўтади. Сохта тақдир билан яшаб бўлма-
гандек, ёлғон образлар ҳам дарров унутилади.

Замон қаҳрамони ҳам пишиб етилмай туриб
туғилмайди. Ёзувчи ёки шоирнинг қалбида у
қаҳрамон камолга етиши керак. Акс ҳолда чала
туғилади. Замон қаҳрамонини яратиш керак,
деганда ўқувчи эргашадиган, интиладиган,
ўшандай бўлишга талпинадиган эзгу шахс на-
зарда тутилган бўлса керак. Ўлмас асарларнинг
ҳаммасида замон қаҳрамони бўлади. У тарихий
бўладими, фантастик роман бўладими, гўзал
шеърый қасидами унда замон қаҳрамони бор.
Одамга кимлигини, нима учун бу заминда юр-
ганини эслатиб, қалб ҳам борлигини ўқтиролган,
юракларни титратган асарлар ҳар доим замона-
вий, одамларни яхшиликка элтувчидир. Кейин
адабиётнинг бир қоидаси ҳам бор-ку: "Нимани?
Қандай?" деган. Нимани ёзишни билиш муҳим,
қандай ёзиш эса ундан ҳам муҳим. Ва охирида
ҳаммасини истеъдод ҳал қилади. Истеъдодсиз
қалам энг гўзал мавзунинг ҳам расво қилади.
Лекин Усмон Носирнинг Ленин ўлими ҳақида-
ги шеъри шеър сифатида бугун ҳам тирик, зўр
шеър.

"Нимани? Қандай қилиб?"

— **Яқинда Тошкент ирригация ва қишлоқ
хўжалигини механизациялаш муҳандисла-
ри институти, Кинематография агентлиги
ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
ҳамкорлигида "Абдулла Орипов" ҳужжатли
фильми суратга олинди. Унда устоз шоир-
нинг сиймосини сиз гафдалантирдингиз. Су-
ратга олиш жараёнларидаги кечинмалар,
шоир ҳаёти билан яшаш завқи ва машаққа-
ти ҳақида ўртоқлашсангиз.**

— Ҳа, шундай бўлди. Устоз билан ташқи
кўринишдаги ўхшашлик киночиларга маъқул
бўлди. Абдулла аканинг ҳаётига янада яқин-
лашгандай бўлдим. Ҳаёт мураккабликлари,
ижод сирларини аняям катта шоир сиймосида
англашга интилдим.

Ва бу жараёнда иккита нарсани билдим:
Абдулла Ориповнинг ролини ўйнаш шунчалик
қийин экану, ўзи бўлиб яшаган шоир қанчалар
қийин вазиятларни бошдан кечирган экан.
Унга осон бўлмаган, аниқроғи, зўрга доим ҳам
осон эмас!

Иккинчиси, актёрликдай машаққатли касб-
дан ризқ топиб юрган санъаткорларга тасанну,
дедим. Оғир иш... шунин билдим.

— **Газетхонларга айтар сўзларингиз...**

— Кўнгил осудалигини тилайман. Бундан
зўри йўқ.

"Ўзбекистон ovozi" муҳбири
Гулрух ОДАШБОВА сўхбатлашди.

O'zbekiston ovozi

MUASSIS:

O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASH

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV
Ulug'bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV
Guliston ANNAQILICHEVA
Muslihiiddin MUHIDDINOV
Hayotxon ORTIQBOYEVA
Shuhrat ISLOMOV
Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: To'liqin TO'RAXONOV

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100135, Toshkent, Bunyodkor shoh ko'chasi, 50 «A»-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi: Bekzod ABDUNAZAROV

G — 1041. 20130 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari



ISSN 2010-7633



Газетанинг электрон саҳифасига
ўтиш учун QR-кодни телефонингиз
орқали сканер қилинг.

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda